

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУТДИНОВА ФЕРУЗА МУИДИНОВА

***APIS MELLIFERA* АСАЛАРИЛАРИДАН ХИТИН-ХИТОЗАН
АЖРАТИБ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ
ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз-2020

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Нурутдинова Феруза Муидиновна <i>Apis Mellifera</i> асалариларидан хитин-хитозан ажратиб олиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш	3
Нурутдинова Феруза Муидиновна Выделение хитина-хитозана из подмора пчёл <i>Apis Mellifera</i> и изучение их физико-химических свойств.....	21
Feruz Nurutdinova Extraction of chitin-chitosan from the death of bees <i>Apis Mellifera</i> and the study of their physic-chemical propertis	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУТДИНОВА ФЕРУЗА МУИДИНОВА

***APIS MELLIFERA* АСАЛАРИЛАРИДАН ХИТИН-ХИТОЗАН
АЖРАТИБ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ
ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1526 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tersu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ихтиярова Гулнора Акмаловна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Масъуд Убайдулла ўғли
техника фанлари доктори

Кенжаев Даврон Ражабович
техника фанлари фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.78.01 рақамли илмий кенгашнинг «15» 07 2020 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№12 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «4» 07 куни тарқатилди.

(2020 йил «4» 07 даги 2 рақамли реестр баённомаси).



И.А. Умбаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ш.А. Касимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д.

Ф.Б. Эшқурбонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё микёсида жадал ривожланаётган табиий полимерлар соҳасидаги муҳим илмий йўналишлар қаторида биопарчаланувчи аминополисахаридлар хитин ва хитозан муҳим ўрин тутди ва тўқимачилик, озиқ-овқат саноатининг турли тармоқларида, тиббиётда истиқболли биоматериаллар сифатида, шунингдек, янги табиий бирикмалар синтезида кенг қўлланилади. Бугунги кунда тўқимачиликда табиий полимерлар асосидаги қуюқлаштирувчиларга бўлган талаб уларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Шунинг учун, биополимерларни давр талабига мос бўлган янги хоссаларини яратиш мақсадида уларни кенг қамровли тадқиқ этиш долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда плёнка ҳосил қилувчи, қовушқоқ, антибактериал, гигиеник, сорбцион, паст токсиклик ва биологик парчалануш каби хусусиятларни намоён қиладиган хитин ва хитозанни ажратиб олишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларига эътибор қаратилмоқда. Хитозан макромолекуласининг ноёб тузилиши ва мусбат зарядланган бўлиши, унинг амалда қўлланилиш соҳаларини кенгайтиради. Тўқимачилик саноатининг ривожланиши асосан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, айниқса, матоларни бўяш учун биопарчаланувчи полисахаридлар асосидаги табиий полимерлардан фойдаланиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда кимё саноатида янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикаимизда маҳаллий хом ашёлардан хитин ва хитозанни ажратиб олиш ҳамда физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, уларни пахта-ипак аралаш толали матолар учун қуюқлаштирувчилар сифатида тўқимачилик саноати учун қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони ва 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4265-сонли Қарори ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хитин, хитозан ва унинг ҳосилаларини синтез қилиш, шунингдек уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, ҳамда ривожлантириш бўйича R.A.A. Muzzareli, S.M. Hudson, R. Julia, В.П. Варламов, К.Г. Скрябин, Г.А. Вихорева, В.М. Воробьева, О.С. Ларионова, Н.З. Хисматуллин, С.В. Немцев, В.М. Быкова, В.Ю. Новиков, И.Н. Коновалова, Е.Н. Рипачева, З.Н. Загребина ва бошқа шу каби чет эл олимлари томонидан фундаментал тадқиқотлар олиб борилган.

Республикада ипак курти ғумбагидан хитин, хитозан, карбоксиметил-хитозан олиш ва уларнинг пахта чигитларини капсулалаш учун ишлатилиши академик С.Ш. Рашидова, Н.Р. Вахидова, О.Б. Клычева ва бошқа олимларнинг изанишларида ўз аксини топган. Хитин ва хитозан ёрдамида аралаш толали матоларни бўйлаш ва пардозлаш соҳасида рус олимларидан В.В. Сафонов, Н.Р.Вахитова, И.Ключкова, И.И.Манюкова, Ф.И.Садов, ўзбек олимларидан М.З.Абдукаримова, Г.А. Ихтиярова, И.А.Набиева, Д.Б.Худойбердиева ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз ечимини топган. Бироқ, *Apis Mellifera* жонсиз асаларисидан хитозан синтез қилиш технологияларини, ҳамда хитозаннинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва хитозанни чет элдан келтириладиган қимматбаҳо импорт ўрнини босадиган қуюқлаштирувчилар миқдорини камайтириб, қуюқлаштирувчи композиция сифатида бўёқларнинг юқори даражада ранг хусусиятини таъминлаб аралаш пахта ипак толали матоларга гул босишда ишлатилишини ўрганиш бугунги кунда аҳамиятга эга.

Шунга қарамай, айти пайтда *Apis Mellifera* жонсиз асалариларидан хитин-хитозан ажратиб олиш, фаол бўёқлар билан аралаш толали матоларни пардозлашда хитозан билан модификацияланган крахмал асосида қуюқлаштирувчилар яратиш ва матоларнинг босма техник хоссаларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ечилмаган муаммо бўлиб қолган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажариладиган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-А-12-11 “Полиакрилатлар, хитозан ва унинг ҳосилалари асосида нанокомполитли тўқимачилик материаллар олишнинг лаборатория технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусида (2017-2018 йй.), ҳамда ФЗ-20119081633 “Маҳаллий *Apis Mellifera* жонсиз асаларилардан хитин ва хитозан синтез қилиш ва улар асосида биопарчаланувчи полимер плёнкалар

олиш” мавзусидаги (2020-2022 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хом ашёлардан хитин ва хитозан ажратиб олиш технологиясини яратиш, аралаш пахта-ипак толали матоларни фаол бўёқлар билан бўяш учун қуюқлаштирувчи восита сифатида фойдаланган ҳолда, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Apis Mellifera жонсиз асаларидан хитиназа ферменти ёрдамида хитин ва хитозан ажратиб олиш жараёнининг асосий қонуниятларини ўрганиш ва хитозаннинг макромолекуляр занжирини сувли эритмаларда синтез қилиш учун кинетик қонуниятларни яратиш;

ажратиб олинган хитин ва хитозаннинг физик-кимёвий, реологик хоссалари ва структура тузилишини аниқлаш;

хитозан асосида яратилган қуюқлаштирувчининг *Aspergillus terreus* замбуруғларига нисбатан антибактериал ва гигиеник хусусиятларини аниқлаш;

синтез қилинган хитозан ва карбоксиметилкрахмалдан фойдаланган ҳолда пахта-ипак аралаш толали матолари фаол бўёқлар билан гул босиш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жонсиз асаларидан олинган хитин ва хитозан, пахта- арқоқ, ипак -танда аралаш толали мато (64:36), фаол бўёвчи моддалар, полимерлар: гуруч ва маккажўхори крахмали, шунингдек, “Навоиазот” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган акрил эмульсияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида хитин ажратиб олиш жараёнлари, хитозан синтези усули, физик-кимёвий ва реологик хоссаларини ўрганиш, шунингдек, гул босиш жараёнини такомиллаштирадиган, пахта-ипак аралаш толали матолар сифатини яхшилаш учун хитозан ва карбоксиметилкрахмал қуюқлаштирувчиларни фаол бўёқлар билан гул босишда қўллаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда замонавий назарий ва экспериментал тадқиқот усуллари: ИҚ спектроскопия, оптик микроскопия, вискозиметрия, реология, гул босилган матоларнинг физик-кимёвий, мустаҳкамлиги ва сифат хусусиятларини аниқлаш каби тегишли ГОСТларга мувофиқ усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий хомашё *Apis Mellifera* жонсиз асалариларидан хитин ажратиб олинган ва хитозан синтез қилинган;

Apis Mellifera жонсиз асаларисидан хитиназа ферменти муҳитида хитозан синтез қилиш жараёни ишлаб чиқилган ва аминполисахариднинг молекуляр структуралари аниқланган;

синтез қилинган хитозаннинг физик-кимёвий, реологик хоссалари ўрганилган ва *Bombyx mori* хитозанига нисбатан таққослаганда макбул шароитлар аниқланган;

Apis Mellifera жонсиз асаларисидан ажратиб олинган хитозанга асосланган мақбул қуюқлаштирувчи таркиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Apis Mellifera жонсиз асаларисидан хитозан ажратиб олишнинг лаборатория технологияси ишлаб чиқилган;

хитозан ва модификацияланган крахмалдан фойдаланиб аралаш толали матоларга гул босишда қуюқлаштирувчининг янги таркиби ишлаб чиқилган;

пахта-ипак аралаш толали матони пардозлаш учун хитозан ва карбоксиметилкрахмал асосида қуюқлаштирувчининг янги таркиби таклиф этилган;

пахта-ипак толали матоларни фаол бўёвчи моддалар билан гул босиш жараёнининг технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. ИҚ спектроскопия, оптик микроскопия, вискозиметрия каби замонавий физик-кимёвий усуллар билан тасдиқланган. Хулосалар математик статистика усуллари билан қайта ишланган ва тажриба натижалари асосида таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хом ашё ресурсларидан хитин ажратиб олиш, *Apis Mellifera* жонсиз асалариларидан хитозан синтез қилиш ва уларнинг физик-кимёвий, реологик, қовушқоқлик хоссаларини ўрганиш, шунингдек аралаш толали матоларга гул босиш учун улар асосида қуюқлаштирувчи таркиби таклиф қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган саноат синовлари натижасида хитозан ва модификацияланган крахмалдан фойдаланиб ишлаб чиқилган қуюқлаштирувчи таркиблардан аралаш толали матоларга гул босишда қўллаш мумкинлигини кўрсатилган. *Apis Mellifera* жонсиз асаларидан хитиназа ферменти ёрдамида хитин ва хитозан ажратиб олиш жараёнининг асосий қонуниятларидан хитозаннинг макромолекуляр занжирини сувли эритмаларда синтез қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта-ипак толали матоларга гул босиш жараёнида хитозандан қуюқлаштирувчи компонент сифатида фойдаланиб рақобатбардош қуюқлаштирувчи ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Apis Mellifera жонсиз асалариларидан ажратиб олинган хитозан асосида қуюқлаштирувчи олиш технологияси “Buxoro Brilliant Silk - BBS” Бухоро – Хитой қўшма корхонаси МЧЖ да жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2020 йил 12 июндаги СТ/22-110-сонли маълумотномаси). Натижада, олинган хитозанни чет элдан келтириладиган DGT қуюқлаштирувчиси ўрнида пахта-ипак толали матоларга гул босишда қўллаш имконини берган;

хитозан ва модификацияланган крахмал асосида ишлаб чиқилган қуюқлаштирувчи таркиблардан “Buxoro Brilliant Silk -BBS” Бухоро – Хитой қўшма корхонаси МЧЖ да пахта-ипак аралаш матоли синов тўплами партиясига гул босишда қўлланилган (“Buxoro Brilliant Silk -BBS” Бухоро –

Хитой кўшма корхонаси МЧЖ нинг 2020 йил 12 июндаги 37/1-сонли маълумотномаси). Натижада, гул босилган аралаш толали матоларнинг мустаҳкамлиги, босма-техник ва колористик хоссаларини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий конференцияда, жумладан 4 та халқаро конференция ва 4 та республика илмий амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда 5 та мақола жумладан, 1 таси хорижий журналлар ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Хитин сақловчи хомашёни қайта ишлаш замонавий технологияси, унинг тузилиши, олиниши, хоссалари ва қўлланилиши”** деб номланган биринчи бобида турли хомашёдан хитин ва хитозан олиш усуллари ва синтезига бағишланган замонавий адабиётларнинг таҳлили келтирилган. Хитин ва хитозан ажратиб олиш, хитозаннинг ҳосилалари синтези бўйича адабиётлар маълумотлари системалаштирилган ва танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилган, шунингдек уларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилган.

Диссертациянинг **“Маҳаллий хомашёлар асосида хитин ва хитозан синтез қилиш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш”** деб номланган **иккинчи бобида** турли хил хомашёлардан хитин ва хитозан ажратиб олишнинг лаборатория технологияси, синтез жараёнлари (схема), жонсиз асаларидан ажратиб олинган хитозаннинг реологик хоссалари қовушқоқлик, тиксотропия ва оқувчанлик каби усуллари ва унинг физик-кимёвий тадқиқот усуллари билан олиб борилган изланишлар хақида батафсил асослаб берилган.



1-расм. Турли хил хом ашёлардан хитин ва хитозан ажратиб олиш схемаси.

Ажратиб олинган хитозан иштирокида қуюқловчилар таркиби ва олинган карбоксиметилкрахмал билан пахта-ипак толали матоларга гул босиш жараёнларининг анъанавий технологияси ва фаол бўёвчи моддалар билан ҳосил бўлган босма бўёқларнинг ва улар иштирокида гул босилган матоларнинг колористик, босма-техник, эксплуатацион хоссаларини ўрганиш усуллари тадқиқ этилган.


Диссертациянинг “*Apis Mellifera* жонсиз асалариларидан хитин-хитозан биополимерлар ва карбоксиметилкрахмални ажратиб олиш усулини яратилиши” деб номланган учинчи бобида маҳаллий *Apis Mellifera* жонсиз асалариларидан хитин ва хитозаннинг лабораторияда олиш технологияси ишлаб чиқилган. Жонсиз асаларилар юпқа қатлам қилиб тахминан 35°C ҳароратда қуритилди (1-расм). Қуритилган хом ашёнинг 30 г массаси майдаланди ҳамда депротейнлаш (ДП) ва деминераллаш (ДМ) реакциялари ўтказилди.

Депротейнлашни икки босқичда хитиназа ферменти иштирокида хом ашё 100°C ҳароратда 1 соат давомида 0,5 Н ли натрий гидроксид эритмаси билан ишлов берилиб амалга оширилди. Ҳар бир жараёндан ажратиб олинган маҳсулот дистилланган сувда нейтрал муҳит ҳосил бўлгунча (рН= 7) ювилди.

Деминераллаш жараёни Наскман усулида жонсиз асаларини хона ҳароратида 5 соат давомида 2 М хлорид кислотаси билан ишлов бериш орқали амалга оширилди. Хитинни 85°C да 4 соат давомида натрий гидроксиднинг сувдаги 35%-ли эритмаси билан деацетиллаб (ДА) хитозан ажратиб олинди этанолда ювилди, ҳамда 50-55°C да қуритилди.

ДА реакцияси полимердаги гликозид боғларнинг узилиши билан бирга содир бўлади. Хитозан молекуляр массаси бўйича полидисперс D-глюкозамин бўлиб, таркибида 5-15% ацетамид гуруҳларини ва 1% гача аминокислоталар ва пептидлар билан боғланган гуруҳларни сақлайди.


Хитозан юқори ҳароратда қуритилганда зичлиги ортади, қораяди ва эрувчанлигини йўқотади, бу эса унинг қўлланилиш имкониятларини пасайтиради. Кейинчалик олинган маҳсулот масса 3%-ли водород пероксид эритмаси билан оқартирилди ва этанол билан бир неча бор ювилди ва оч-жигар рангли хитозан (рН=5) ажратиб олинди.



2-расм. *Apis Millifera* жонсиз асаларидан хитин ва хитозан ажратиб олишнинг лаборатория технологияси
 Шундан сўнг *Apis Mellifera* жонсиз асалариларидан ажратиб олинган


хитин ва хитозаннинг физик-кимёвий хоссалари яъни ИҚ спектрларни олиш орқали ўрганилди.

3-расмдан кўриниб турибдики, хитиннинг ИҚ спектрида $-N-H$ боғланишнинг тебранишларига тегишли бўлган 3290 см^{-1} соҳадаги ютилиш чизиқлари, шунингдек $-CH_3$ гуруҳнинг мавжудлигидан далолат берувчи 1371 см^{-1} соҳадаги ютилиш чизиқлари ва $C=O$ гуруҳи учун хос бўлган 1579 см^{-1} соҳадаги чизиқлар кузатилади. Хитозаннинг ИҚ спектрида NH_2 -гуруҳнинг мавжудлигини кўрсатувчи 3272 см^{-1} ва $1377-1028\text{ см}^{-1}$ соҳалардаги чизиқлар намоён бўлади. Бунда $1360-1000\text{ см}^{-1}$ соҳада барча аминлар учун хос бўлган ютилиш чизиқлари пайдо бўлиб, уларни молекуланинг занжиридаги $C-N$ боғлар келтириб чиқаради. Хитин ва хитозан намунасида, шунингдек CH_2- ва CH_3- гуруҳларнинг деформацион тебранишларига тегишли бўлган чизиқлар максимуми 1446 см^{-1} соҳада ва OH -гуруҳнинг деформацион тебранишлари учун хос бўлган чизиқлар 1373 см^{-1} соҳада намоён бўлади. Хитозан намунасида OH -гуруҳнинг тебранишларига мос келувчи ўртача интенсивликдаги кенг ютилиш чизиғи $1320-1387\text{ см}^{-1}$ соҳада кузатилади.



3-расм. Жонсиз асаларилардан олинган а)-хитин ва б)- хитозаннинг ИҚ спектрлари


Шу билан бирга асаларилардан олинган хитозаннинг элемент анализи ҳам тадқиқ этилди ва сканерловчи микроскоп ёрдамида хитин ва хитозаннинг микроскопик суратлари олинди (4-расм).



4-расм. а)-хитин ва б)-хитозаннинг электрон микроскопик суратлари

4-расм маълумотларидан кўринадикки, хитинга ишқор эритмаси таъсир қилинганда хитин намунасининг тартибли тахланма устмолекуляр структураси ўзгариб қисман тартбсиз ҳолатга ўтади ва аморфлашади. Аммо аморф ҳолатдан ташқари қисман хитинга хос бўлган кристалл ҳолати ҳам сақланиб қолади.

Шунингдек хитинни деацетиллаш натижасида олинган хитозаннинг рентген дефрактограммаси олиниб натижалар таҳлил қилинди. Рентген дефрактограмма тадқиқотидан кўринадикки, хитозан ва хитин молекулаларининг кристаллик ҳолати деацетиллаш (ДА) турли хил фоизларда олиб борилганда (ДА-8%, 36%, 57%, 81%) хитиннинг кристалланиш даражаси тушиб кетиши, бу эса айниқса деацетиллаш 36%га етганда хитиннинг уч ўлчамли тақсим даражасининг пасайиши маълум бўлди. 5-расм маълумотлари шуни кўрсатадики, хитин ишқор эритмаси билан ишлов берилганда молекулалари тезда аморф ҳолатга, сўнгра кристалл ҳолатга ўтади, аморфланиш содир бўлади, кристалл панжара аста-секин йўқ бўлади. ДА 57% ли намунада ўта сезиларли тузилма аморфизацияси аниқланди. $2\theta = 19.5^\circ$ ва 10.2° бурчакларида интенсив дефракцион максимумлар кузатилди. Хитозан молекуласининг кристалл панжараларининг тузилиши эса бу соҳада сақланиб қолади, аммо бошқа текисликда кристаллик тузилма дефектли ёки бузилган бўлади.



5-расм. Асаларилардан олинган хитозаннинг рентгенограммаси

Молекуляр ва рентгенографик маълумотларга кўра, хитин деацетилланганда у хитозан шаклига ўтади, хитозаннинг молекуляр структураси ва кристаллари хитиннинг молекуляр структураси ва кристалларидан фарқ қилади. Шундай қилиб, янги хом ашё манбаси – *Apis Mellifera* маҳаллий асаларилар асосида хитин ва хитозан аминополисахаридлари молекуляр массаси ва азот миқдори билан фарқ қилиши исботланди.

Хитозаннинг табиий келиб чиқиши ҳамда қайта тикланиш даражасини

хисобга олган ҳолда, бу хом ашё матоларга гул босиш учун қўлланиладиган қуюқлаштирувчилар олишда асосий компонент сифатида катта амалий аҳамият касб этади. Маълумки, хитозан таркибидаги амина гуруҳ кучсиз асос хоссаларини намоён қилади. Қуюқлаштирувчиларнинг концентранган сувли эритмалари ва гул босиш бўёқларнинг асосий реологик хоссалари сифатида қовушқоқлик, тиксотропия ва оқувчанликни кўрсатиш мумкин. Шу мақсадда тадқиқотда тут ипак қуртидан ва асаларилардан олинган хитозанни солиштирган ҳолда физик-кимёвий параметрлари ҳамда қовушқоқлиги ўрганилди (1-жадв.)

1-жадвал

Турли хил хомашёдан олинган хитозаннинг физик-кимёвий параметрлари

№	Номи	Ташқи кўриниши	Намлик, %	Қовушқоқлик Па*с10 ⁻³	Умумий азот миқдори, %	Молекуляр масса, кДа
1	<i>Apis Mellifera</i> асаларидан олинган хитозан	Оч жигар ранг	10,3	3,28	8,31	162
2	<i>Bombyx mori</i> Тут ипак қуртидан олинган хитозан	Оч жигар ранг	9,6	2,86	7,37	282

Тўқимачилик саноатида кўпинча консервантлар (антимикроб воситалар) қўлланилади, улар тайёр қуюқлаштирувчиларнинг бузилиб кетишига йўл қўймайди. Матоларни моғор замбуруғлар таъсиридан биологик ҳимоя қилишнинг истиқболли усули сифатида охириги вақтларда биоцид хусусиятларга эга бўлган қуюқлаштирувчилар қўлланилмоқда.


Шунга мувофиқ, матоларга гул босишда қўлланиладиган фаол бўёвчи моддалар учун аралаш қуюқлаштирувчиларнинг фунгицид хоссалари ҳам ўрганилди. Зарар етказувчи бундай микроорганизмлар вакили сифатида мицелиал замбуруғларни кўрсатиш мумкин.

Шунга мувофиқ, мицелиал замбуруғлар учун бой субстрат хисобланган 6° баллингли суслони сақловчи Чапек-Докс электив муҳитидан фойдаландик. Чапек-Докс озик муҳитининг кимёвий таркиби (г/л): глюкоза – 30,0; NaNO₃ – 3,0; K₂HPO₄ – 1,0; MgSO₄·7H₂O – 0,5; KCl – 0,5; FeSO₄·7H₂O – 0,01; агар-агар – 25; дистилланган сув – рН 6-6,5. Муҳит 1,0 атм да стерилизация қилинди.


Ўстириш учун ЎзР ФА Микробиология институтининг замбуруғлар коллекциясидан олинган целлюлотик фаол *Aspergillus terreus* замбуруғнинг тоза штамми қўлланилди. Қуюқлаштирувчилар намунасини сақлаган муҳитда замбуруғлар 28°С ҳароратда 5 сутка давомида термостатда ўстирилди. Фунгицид фаоллик *in vitro* шароитида аниқланди. Янги

тайёрланган қуюқлаштирувчилар асептик шароитда нисбатлари 1:2 бўлган миқдорда киритилди. Оптик зичлик 550 нм да спектрофотометрда ўлчанди.

Намуналарнинг оптик зичликлари бу қуюқлаштирувчилар мицелиал замбуруғлар таъсирига чидамли эканлигини кўрсатди.




а)



б)

5-расм. Анъанавий ва янги қуюқлаштирувчиларнинг вақт давомида оптик зичлигининг ўзгариши а) анъанавий б) Узхитан- КМК-ГАЭ; С- Узхитан-КМК; D-Узхитан-ГАЭ.

6- Расмдан кўришиб турибдики, *Aspergillus terreus* замбуруғи таъсири остида анъанавий қуюқлаштирувчининг оптик зичлиги кам ўзгаради.




7-расм. Чапек-Докс муҳитида ўстирилган *Aspergillus terreus* нинг 5 суткадан кейин қуюқлаштирувчиларга таъсири

Бу шундан далолат берадики, яратилган қуюқлаштирувчининг таркибий компонентлари микроорганизмлар учун яхши субстрат бўла олмайди 7-расмдан кўринадики, Чапек-Докс муҳитида ўстиришнинг 3-


суткасида анъанавий қуюқлаштирувчи сиртида моғор плёнка ҳосил бўлди, бу эса микроорганизмлар ривожланишининг ўзига хос аломати ҳисобланади. Шу билан бирга Узхитан-КМК-ГАЭ асосидаги қуюқлаштирувчи, Узхитан-КМК асосидаги ва Узхитан-ГАЭ асосидаги қуюқлаштирувчи ўзгармаган ҳолда деярли шаффоф қолди. Шундай қилиб, янги аралаш қуюқлаштирувчи бактериялар таъсирига юқори барқарорликка эга ва фунгицид хоссаларни намоён қилади. Қуюқлаштирувчилар орасида яққол бактерицид фаолликни Узхитан-КМК-ГАЭ, Узхитан-КМК асосидаги қуюқлаштирувчилар намоён қилди ва бу қуюқлаштирувчилар анча барқарор, уларни кейинги кун ва ҳатто 2 кундан кейин ҳам аралаш толали матоларга гул босиш учун қўллаш мумкин.

Ҳозирги вақтда пахта толали матоларни бўяшда ва уларга гул босишда модификацияланган крахмал ва хитозан қўлланилади, пахта-ипак, пахта-вискоза, пахта-нитрон каби аралаш толали матоларга гул босишда эса, табиий ва синтетик полимерлар асосидаги аралаш қуюқлаштирувчилардан фойдаланилади. Айни пайтда мавжуд экспериментал тадқиқотлар аралаш толали матолар учун махсус танлаб олинган биополимерлар ва карбоксиметилкрахмал асосида янги турдаги сувда эрувчан аралаш қуюқлаштирувчилар яратилишининг долзарблигини кўрсатди.

Тадқиқотимизнинг мақсади қаттиқ фазали усул билан гуруч ва маккажўхори крахмалидан карбоксиметилкрахмалнинг (КМК) натрийли тузини синтез қилиш ва олинган намуналарни ишлаб чиқариш шароитида қуюқлаштирувчи компонент сифатида пахта ипак толали матоларга гул босиш жараёнида синовдан ўтказиш ҳисобланади.



NaOH, моль улуши
8-расм. Бошланғич реакция аралашмадаги NaOH моль улушининг ҳосил бўладиган Na-КМК нинг алмашиниш даражасига таъсири. Реакцион аралашмада крахмал : Na-МХСК нисбати 1:1.5 га тенг.




NaOH, моль улуши
9-расм. Бошланғич аралашмадаги Na-МХСК моль улушининг ҳосил бўладиган Na-КМК нинг алмашиниш даражасига таъсири. Реакцион аралашмада крахмал: NaOH нисбати 1:1.5 га тенг.

Карбоксиметиллаш реакциясини ўтказиш учун қаттиқ фазали усул билан

гуруч крахмали монохлорсирка кислотанинг натрийли тузи (Na-MXCK) ва NaOH иштирокида КМК олинди. Тажриба натижасида олинган Na-КМК намуналари хона ҳароратида сувда яхши эриган ҳолда бир жинсли шаффоф қовушқоқ эритмалар ҳосил қилади, улар узоқ вақт сақланганда ҳам барқарордир. Карбоксиметилкрахмалнинг водородли шакли эса хона ҳароратларида яхши бўлади ва гелсимон массани ҳосил қилиб, уни эритиш учун эритма ҳароратини 50-60 °С гача кўтариш керак (бошланғич крахмалнинг клейстерланиш ҳарорати 75 °С). Крахмалнинг карбоксиметиллаш реакциясига бошланғич реагентлар нисбатининг таъсирини ўрганиш мақсадида турли нисбатлардаги крахмал:NaOH:Na-MXCK билан бир қатор тажрибалар ўтказилди. Ҳисоблашларда крахмалнинг моль улуши полимернинг битта элементар звеноси учун ҳисобланди. 8-расмда бошланғич аралашмадаги NaOH моль улушининг олинган Na-КМК нинг алмашилиш даражасига таъсири кўрсатилган. 9-расмдан кўринадики, реакция аралашмада ишқор концентрациясининг 1,5 мольгача оширилганда Na-MXCK нинг алмашилиш даражаси аста-секин кўпаяди, кейинчалик эса камайиб боради.

10-расмда карбоксиметилкрахмалнинг хитозан билан таъсирланиш механизми кўрсатилган. Схемадан кўринадики, КМК ва хитозан орасида водород боғланиш вужудга келади.



10-расм. Карбоксиметилкрахмал ва хитозаннинг таъсирланиш механизми

Диссертациянинг “Хитозан иштирокида пахта-ипак толали матоларга гул босиш технологиясини ишлаб чиқиш” деб номланувчи тўртинчи бобида *Apis Mellifera* асалариларидан олинган хитозан КМК ва гидролизланган акрил эмульсияси асосида биопарчаланадиган тежамкор полимер қуюқлаштирувчилар таркибини яратиш ва уларни пахта-ипак толали матоларга гус босишда қўлланилиш имкониятлар кўрсатилган.

Тажрибалар вақтида қуюқлаштирувчини тайёрлашнинг қуйидаги тартибига амал қилинди: реакторга 30 л сув қуйилади ва Узхитан:Na-КМК:ГАЭ (2,0:4,0:1,0 масса нисбатда) солинади. Қуюқлаштирувчини эритиш учун 30 дақиқа давомида узлуксиз аралаштириб турилади, шундан сўнг тайёр

композицияга мочевина, сода қўшилади. Кейинчалик асосий реакторга ўтказган ҳолда жараён мавжуд технология бўйича олиб борилади.

Юқоридаги усул бўйича олинган қуюқлаштирувчи пахта-ипак матога гул босишда қўлланилди. Корхона шароитида 4000 погон метрга яқин пахта-ипак толали матога гул босилди ва унинг колористик хоссалари ўрганилди.

2-жадвал

Гул босилган пахта-ипак толали матоларнинг колористик кўрсаткичлари

Қуюқлаштирувчи компонентлари, г/кг	Рангнинг туслари, λдом, Нм	Матонинг қаттиқлиги, мкН·см ²	Рангнинг иитенсивлиги, К/С	Рангнинг ноте-кислиги, Ср.мах
Манутекс	488	8324	20,2	0,06
DGT	466	8824	18,5	0,18
Узхитан : На-КМК : ГАЭ	484	8450	22,3	0,09

2-жадвалдан кўришиб турибдики, гул босилган пахта-ипак толали матоларнинг колористик ва босма-техник хоссалари яхшиланади, матонинг қаттиқлиги камаяди. Композицион қуюқлаштирувчи иштирокида гул босилган матонинг интенсивлиги хориждан келтириладиган DGT асосидаги қуюқлаштирувчи қўлланилганига нисбатан юқори бўлди.

3-жадвал

Гул босилган матоларнинг босма-техник хоссалари

Қуюқлаштирувчи, Фаол бўёвчи модда	Сингиш даражаси, %	Интенсивлиги, К/С	Матонинг қаттиқлиги, мкН·см ²
УЗХИТАН- КМК ГАЭ			
Yellow 4R	72,1	22,3	8450
Red 2B	68,8	21,4	9387
Blue 2R	76,3	19,8	9450
Анаънавий, DGT			
Yellow 4R	62,7	18,5	8824
Red 2B	58,1	17,5	9780
Blue 2R	64,0	16,8	10150

3-жадвалдан кўришиб турибдики, узхитан КМК ва ГАЭ асосида ишлаб чиқилган аралаш қуюқлаштирувчилар иштирокида гул босилган мато юқори интенсивлик ва сингиш даражасини таъминлайди.

Синовларни ўтказиш вақтида қурилмалар ва қуюқлаштирувчини тайёрлаш жараёни билан боғлиқ ҳеч қандай техник қийинчиликлар кузатилмади.

Шундай қилиб, Узхитан ва ГАЭ гул босилган пахта-ипак толали матолар сифатини яхшилайти. Узхитан, КМК ва ГАЭ таркибли аралаш композициялар хориж (Хитой) дан келтириладиган DGT қуюқлаштирувчига нисбатан ижобий натижаларни кўрсатди. Фаол бўёвчи моддаларнинг сингиш даражаси ва матонинг колористик хоссалари нуқтаи назаридан композицион қуюқлаштирувчилар ўзининг юқори самарадорлигини буғ иштирокида пахта-ипак аралаш толали матоларга гул босишнинг бир босқичли усулида намоён қилади. Синовлар «Bukhara Brilliant Silk – BBS» Бухоро-Хитой қўшма корхонасида бажарилиб, ишлаб чиқаришда қўлланилиш ва жорий қилиниш далолатномалари олинди (2019 йил 16 декабрь).

4-5000 погон метр пахта-ипак толали матоларга анъанавий (DGT) ва аралаш қуюқлаштирувчилар билан гул босиш учун зарур бўладиган харажатларни солиштириш йўли билан иқтисодий самарадорлик ҳисобланди. Яратилган гул босиш композициялар таркибида маҳаллий хом ашёни сақлаган қуюқлаштирувчилар бўлиб, улар чет элдан киритиладиган қимматбаҳо ингирдиентларнинг ўрнини боса олади.

Гул босиш сифатининг ортиши маҳсулотга бўлган талабнинг ва бинобарин, савдо-сотик ҳажмининг кўпайишига олиб келади. Савдо-сотикнинг кўпайиши қўшимча даромаднинг ва бинобарин, самарадорликнинг ортишига олиб келади.

Анъанавий қуюқлаштирувчи асосида 600 кг гул босиш бўёғини тайёрлаш учун жами 1 883500 сўм сарфланади, яратилган аралаш қуюқлаштирувчи учун эса “BBS” МЧЖ кўламида 324500 сўмни ташкил қилади.

Ҳисоблаш натижаларига кўра, таклиф этилаётган янги хитозан, карбоксиметилкрахмал ва акрил полимери асосидаги аралаш қуюқлаштирувчилар қўлланилганда 600 кг гул босиш бўёғи учун 324500 сўм миқдорда кимёвий материаллар тежаллади (2019 йил 16 декабрь нархлари бўйича).

Тажриба-синовлар регламенти асосида яратилган технологиянинг жорий қилиниши натижасида чет элдан келтириладиган қимматбаҳо манутекснинг алмаштирилиши ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилади.

5000 погон метр мато ҳисобига гул босиш бўёқлари учун яратилган аралаш қуюқлаштирувчиларнинг қўлланилиши натижасида кутиладиган иқтисодий самарадорлик фаол бўёвчи моддалар учун алоҳида ва «Bukhara Brilliant Silk» МЧЖ кўламида ҳисобланди.

4-5000 пм пм аралаш толали матоларга гул босишда 600 кг босма бўёк ва 60 кг DGT қуюқлаштирувчи сарфланади. «Bukhara Brilliant Silk BBS» МЧЖ да 1 суткада 1 та гул босиш машинасида 4-5000 пм, 1 ойда 625 минг пм матога гул босилади. Узхитан, карбоксиметилкрахмал ва акрилатлар асосидаги қуюқлаштирувчи қўлланилганда умумий самарадорлик йилига тахминан 235 437 500 сўмни ташкил қилади (2019 йил 16 декабрь нархлари бўйича).

ХУЛОСА

1. Маҳаллий хомашё *Apis Mellifera* жонсиз асариларидан хитиназа ферменти муҳиtida хитозан олишнинг технологик жараёнлари ишлаб чиқилди ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари, шунингдек аминополисахариднинг молекуляр тавсифи кўрсатиб берилди.

2. Пахта-ипак аралаш толали матоларга гул босиш учун қуюқлаштирувчи компонент сифатида хитозан билан қўлланиладиган карбоксиметилкрахмални қаттиқ фазали усулда олиш учун гуруч крахмалини модификациялаш жараёнининг қонуниятлари аниқланди. Аралаш толали матоларга гул босишда *Apis Mellifera* хитозани асосида қўлланиладиган Узхитан-КМК-ГАЭ қуюқлаштирувчининг юқори самарали янги таркиби тақлиф этилди.

3. Хитозан ва карбоксиметилкрахмал асосидаги аралаш қуюқлаштирувчиларнинг *Aspergillus terreus* замбуруғининг таъсирига нисбатан яққол антимикроб фаолликни намоён қилиши кўрсатиб берилди. Бу қуюқлаштирувчилар барқарор бўлиб, уларни фаол бўёвчи моддалар билан пахта-ипак толали матоларга гул босиш учун қўллаш тавсия этилди.

4. Хитозаннинг биологик фаоллиги, фунгицид ва бактериостатик хоссаларга эга эканлиги ҳисобига пахта ипак толали матоларнинг антибактериал ва гигиеник хоссалари яхшиланиши исботланди, аралаш толали матоларнинг мустақамлигини ошириши кўрсатиб берилди.

5. Хитозан асосида яратилган янги таркибли қуюқлаштирувчи матонинг ранг интенсивлиги ва босма техник хоссаларини яхшиланиши ва фаол бўёвчи модданинг сарфини камайтириши аниқланди.

6. Синтез қилинган хитозан ва карбоксиметилкрахмал асосидаги қуюқлаштирувчи фаол бўёвчи моддалар билан пахта-ипак толали матоларга гул босиш жараёнининг технологияси такомиллаштирилди ва “Bukhara Brilliant Silk” Бухоро-Хитой МЧЖ қўшма корхонасида синовдан ўтказилди, ишлаб чиқаришда пахта-ипак толали матоларга гул босиш жараёнида қўлланилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НУРУТДИНОВА ФЕРУЗА МУИДИНОВНА

**ВЫДЕЛЕНИЕ ХИТИНА-ХИТОЗАНА ИЗ ПОДМОРА
ПЧЁЛ *APIS MELLIFERA* И ИЗУЧЕНИЕ ИХ
ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИХ СВОЙСТВ**

**02.00.14–Технология органических веществ и материалы
на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована под номером B2020.2.PhD/T1526 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.tersu.uz и на информационно-образовательном портале ZIYONET по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:

Ихтиярова Гулнора Акмаловна
Доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Каримов Масъуд Убайдулла угли
Доктор технических наук

Кенжаев Даврон Ражабович
Доктор философии по техническим наукам (PhD)

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «15» 07 2020 г. в «14⁰⁰» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета за № 12, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 190111, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, электронная почта: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «4» 07 2020 года.
(протокол рассылки № 2 от «4» 07 2020 г.).



[Signature] И.А.Умбаров
Председатель научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н.

[Signature] Ш.А.Касимов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени, д.ф.х.н.

[Signature] Ф.Б.Эшкурбонов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученой степени, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире среди важных научных направлений быстро формирующихся в области природных полимеров, все более заметное место занимают биоразлагаемые аминополисахариды хитин и хитозан, которые являются перспективными биоматериалами в различных отраслях текстильной, пищевой промышленности, в медицине, а также широко применяются в синтезе новых природных соединений. Потребление природных полимеров в текстильной промышленности на сегодняшний день достигает более половины от общего объема их производства. Поэтому, одной из актуальных проблем является всестороннее изучение биополимеров с целью создания новых свойств, соответствующих требованиям времени.

Во всем мире, уделяется внимание исследовательским работам, направленным на получение хитина и хитозана, обладающих рядом уникальных свойств, такие как пленкообразующие, загущающие, антибактериальные, гигиенические, сорбционные, низкую токсичность, а также способность к биодegradации. Уникальная структура макромолекулы хитозана и наличие положительного заряда расширяет области его применения. Текстильная промышленность в своем развитии главным образом ориентируется на выпуск конкурентоспособных продукции, особенно применение природных полимеров на основе биоразлагаемых полисахаридов для колорирования тканей являются актуальными.

В нашей стране в химической промышленности были достигнуты определенные результаты, в частности, проведены широкомасштабные практические мероприятия по обеспечению местного рынка импорт замещаемыми химическими реагентами. Следует отметить, что в Республике уделяется большое внимание мероприятиям по системе научно обоснованного ведения промышленных объектов и охраны окружающей среды через внедрение инновационных технологий. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены задачи по «Совершенствованию промышленности на качественно новый уровень, дальнейшей интенсификации производства готовой продукции на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоению выпуска принципиально новых видов продукции и технологий». В связи с этим в республике получение хитина и хитозана из местных сырьевых ресурсов и изучение их физико-химических свойств, их применение в качестве загустителя для набивки хлопко-шёлковых смесовых тканей приобретает важную значимость в текстильной промышленности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени направлено на выполнение задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021

¹ Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

годах» и в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышению ее инвестиционной привлекательности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетным направлением развития науки и технологии Республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Исследования в области получения хитина и хитозана, его производных, а также изучением их физико-химических свойств, с применением занимались многие зарубежные ученые, такие как R.A.A.Muzzareli, S.M.Hudson, R.Julia, В.П. Варламов, К.Г.Скрябин, Г.А..Вихорева, В.М.Воробьева, О.С.Ларионова, Н.З.Хисматуллин, С.В.Немцев, В.М.Быкова, В.Ю. Новиков, И.Н.Коновалова, Е.Н.Рипачева, З.Н. Загребина и другие.

